

process continues until September. Delayed karakurts of cocoons from 1 to 5 pcs. In size from 7 to 15 mm.

Keywords: *karakurt, nimfa, sames, samka, venom, red spots, cocoon, ovum, byliy, spider web development stages. Each cocoon contains 50 to 400 eggs. Cocoons are mostly pear shaped or spherical in shape and white in color.*

Қорақурт сўзи турк тилидан олинган бўлиб, қора ҳашарот маъносини билдиради. Бошқа маъноси эса, “қора бева” деб юритилади. Унинг қора бева деб аталишига сабаб, уруғланган ургочи қорақурт қочишга улгурмаган эркак қорақуртни еб қўяди. Шу тариқа урғочи қорақурт “бева” бўлиб қолади (Казаков И., 2007, Каримова Р.Р., 2002, Мариковский П.И., 1956, Рахматуллаев А.Ю., 2019, Эргашев Н.Э., 1990).

Қадим замонлардан бери инсонлар қорақурт чақишидан кўп зарар кўриб келган. Қорақурт чақишидан заҳарланган инсон, кўнгилсиз ҳодисаларга учраган, ўлим ҳолатлари ҳам кўп бор кузатилган.

Биология, медицина фанларининг турли тармоқлари ривожланиши туфайли қорақурт ва бошқа заҳарли жонзотларнинг захрига қарши зардоблар ишлаб чиқилган (Михайлов К.Г. 1997, Эргашев Н.Э., 1994).

Табиатда қорақурт инсон ва қишлоқ хўжалик ҳайвонларини асосан июнь ва июль ойларида чақади. Айни, шу ойларда уларнинг заҳар бези йириклишади ва ундаги заҳарнинг ҳажми ва таъсир этувчи кучи анча юкори бўлади. Чунки, шу икки ойда қорақуртларнинг сайд даври бўлади. Шу боис бу вақтда инсонлар ва ҳайвонлар бу заҳарли ўргимчакларга кўпроқ дуч келади.

Кириш

Қорақуртлар чўл – адирлардаги ёнтоқ, шувоқ, жингак, оқкуврайли, шўра ўсимликлари ўсан жойларда, тоғ ён бағирларидағи тошлар остида, кўл, дарё бўйларидағи қамиш, қиёқзорларда, ўрмонларда ва эски ташландик биноларнинг деворлар ёриқлари оралиғида, ер шудгор қилиниб ишлатилмасдан ташландик ҳолга келган жойларда, очиқ майдонлардаги от, қорамол, кўй ва эчкилар туёқ излари ҳисобига чукур бўлган жойларда, ҳаттоки чўл билан ёнма-ён экилган буғдойзор, бедазорларда тўр тўқиб яшайди.

Илм-фан тараққиёти юксак даражада ривожланган бўлишига қарамасдан, инсонларни заҳарли ўргимчаксимонлар чақишидан заҳарланиш ҳолатлари ҳозирги кунда ҳам тез-тез учраб туради. Заҳарли ўргимчаксимонлар чаққанда биринчи ёрдам ўз вақтида бўлмаслиги ёки нотўғри қўлланилиши инсонларни ҳаётини ҳавф остига қўйиши мумкин.

Табиатда тарқалган заҳарли ҳайвонларни тур сонини сақлаш, кўпайтириш ва муҳофаза қилиш замоновий зоологиянинг долзарб муаммоларидан ҳисобланади. Бунинг учун авваламбор ушбу ҳайвонларнинг биогеоценозларда тарқалиш қонуниятларини, ўзига хос био-экологик хусусиятларини атрофлича ўрганишни талаб этади.

Тадқиқот объектлари ва методлари

Қашқадарё вилояти Чироқчи тумани Кукдала массиви Қумдарё ўрмон хўжалиги чўл худиди майдонларида 2021-2022 йиллар қорақуртларнинг ривожланиш боскичлари устида кузатиш олиб борилди.

Ишни бажариш жараёнида, ўргимчакларни йифишида қўлланиладиган услублардан фойдаланилди (Эргашев, 1990). Бунинг учун, ҳар 1 га майдоннинг 8 та жойидан, 1 м² улчамда намуна олинди. Ўргимчакларнинг зичлигини аниқлаш учун 8 жойдан энига 2 метр, бўйига 100 метрлик майдонлар танлаб олинди.

Йифилган ўргимчакларни аниқлашда “Католог пауков (*Arachnida, Aranei*) территорий бывшего Советского Союза” (Михайлов, 1997) ва “Экология ядовитых пауков Узбекистана” (Эргашев, 1990), илмий адабиёт ва аниқлагичлари ҳамда Ўзбекино миллий агентлиги “*Esi eko-film*” студиясининг “Табиат қонуни бўйича яшовчи жонзотлар” туркумидан “Қорақурт” илмий-оммабоп фильмларидан фойдаланди.

Тадқиқот натижалари

Қорақуртларнинг пилла қўйиши июль ойининг бошларида ёппасига бошланса, бу жараён август, сентябрь ойларигача давом этади. Қорақуртлар 1 тадан 5 донагача, улчами 7 ти дан 15 мм гача бўлган пиллаларини қўяди. Ҳар бир пиллада 50 тадан 400 донагачагача тухумлар бўлади. Пиллалар асосан ноксимон ёки шарсимон шаклга эга. Пилла оқ, новат ёки сут рангида. Унинг улчами йирик ёки майда бўлиши қорақуртнинг озиқланиш рационига бевосита боғлиқ. Пилла деворларида тешиклар бўлиб, ўзидан ҳавони ўтказади, сувда чўкмайди. Тухумларининг ривожланиши ҳаво ҳароратига боғлиқ. Эрта баҳорда (март, апрел-май) ҳарорат $20+25^{\circ}\text{C}$ га кўтарилиганда, тухумлар ривожланиб пилла ичидаги қорақуртчалар ҳаракатга келиб қолади. Энг ҳаракатчан, қорақуртчалардан бири пилладан тешик очади ва аста-секин индан чиқа бошлайди. Шу тариқа тухумлардан 2-3 кун ичида қорақуртчалар чиқиб улгиради. Тухумдан чиқсан қорақуртчалар биринчи ва иккинчи ёшлари бир қисмини пилла ичида ўтказади.

Иккинчи ёшдаги қорақуртчаларнинг пилладан чиқиши соядаги ҳаво ҳарорати $+20^{\circ}\text{C}$ га етганда кечади. Албатта бу жараён жануб ва шимоллий ҳудудларда бир ойгача фарқ қилиши мумкин. Пилладан чиқсан қорақуртчалар бир жойга ғуж бўлиб тўпланиб олади. Куннинг иссиқ соатларида баъзилари бир-биридан 20-50 см узоқлашади, шамол турган ёки ёмғирли кунларда улар яна бир жойга йифилишиб олади. Бундай шароитда улар озиқланмайди. Ҳаво ҳароратига қараб бу жараён 5 кундан 15 кунгacha давом этиши мумкин. Шундан сўнг қорақуртчалар шамол ёрдамида 20 м гача бўлган масофагача тарқалади ва ҳар бир қорақуртча алоҳида яшай бошлайди. Қорақуртчалар бир ёшдан кийингисига ўтишида пўст ташлайди. Иккинчидан учунчи ёшга ўтиш оралиғи 5-7 куни ташкил қиласи. Алоҳида мустақил яшаш уларнинг учунчи ёшига тўғри келади. Ундан юқори ёшдагиларининг оралиғи

12-15 кунга түгри келади. Қорақұрт нимфаларининг тез ўлғайиши ҳаво ҳарорати ва озиқа мүллигига бевосита боғлиқ.

Биринчи ёшда қорақүртчалар оч сарғиши рангда бўлиб, иккинчи ёшдан бошлаб қорая бошлайди. Айниқса қорни устидаги қаймок рангли ўртасидаги қизил 13 та доғлари аниқ қўзга ташланади.

Учунчи ёшдан бошлаб қорактурт нимфаларида самец ва самка зотларни ўлчамига қараб ажратиш мумкин. Жумладан самецнинг ўлчами 2-3 мм бўлса, самкасиники эса 5-6 мм ўлчамда бўлади.

Түртинчи ёшида қорақурт нимфалари самец ва самка зотларини бир-биридан аник фарқлаш мумкин. Бу ёшда самецнинг ўлчами 6-7 мм, самкасиники эса 9-10 мм бўлади.

Бешинчи ёшда самец қорақурт нимфасининг ўлчами 9-10 мм бўлиб, ташки кўриниши оч қорароқ ва сарикроқ ранга киради. Самкасининг ўлчами 13-14 мм га яқинлашиб, заҳар безлари анча йириклишган бўлади.

Олтинчи ёшдаги самец ва самка қоракурт нимфалари бошқа ёшдагилардан бутунлай фарқ қиласы. Уларнинг заҳар безлари аниқ кўзга ташланади.

Еттинчи ёшдаги нимфа самец вояга етиб қўшилиш хусусиятига эга бўлади. Бу даврда ташқи қўринишидан қорин қисми анча йириклишиб, жуда харакатчан бўлиб қолади. Қорин устидаги қизил, оқ доғлар яхши қўринади. Самец қорақуртнинг бу доғлари ҳаётининг охиригача сақланиб қолади. Самка эса анча йириклишган, тим қора рангли бўлиб, қизил доғлари яққол кўзга ташланади.

Саккизинчи ёшдаги самка қорақұрт анча йириклишиб, унинг танасидаги қызил доғлар аста-секин йүқ бўла бошлиайди. Қызил доғлар ўрнида чуқур белгилар қолади.

Самка қорақурт түккизинчи ёшида охирги марта пүст ташлаб, эркаги билан күшилиш ҳолатига киради. Унинг танаси анча йириклишиб, тим қора рангга айланади ва қизил доғлари бутунлай йўқолиб кетади. Вояга етган қорақурт самең июль ойининг охирларида бутунлай ёппасига табиий нобуд бўлади. Самка эса пилла қўйиб ноябрь ойининг охирларигача ҳаёт кечиради.



1 – расм. Сайрдаги самка 2.-расм. Самец қорактүр зоти

қорактурт зоти. **Самка қолдирған изидан бормокда.**



3 – расм. Самец ва самка қорақүрт зотлари ин-уядаги пилласи билан.



4 – расм. Қорақүртнинг ин-уясидаги пиллалари.



5 - расм. Пилла ва ундан чиққан қоракүртчалар

Коракүртлар рангы		Корикүртлер рангы	
Корике насекомые поступающие в страну	Корике насекомые поступающие из страны	Л	ЛЛ
		II	III
		III	IV
		IV	V
		V	VI
		VI	VII
		VII	VIII
		VIII	
			
			

6 - расм.Қоракүрт нимфаларида уларнинг ёшига қараб танасидаги доғларнинг ўзгариш схемаси.

Олинган натижалар таҳлили қуидагиларни кўрсатади

Хулоса

Қоракүртларни тўлиқ бир ривожланиш босқичи учун, етарли ҳарорат ва ёзниг узун кунлари лозим бўлади. Ўзбекистонда бу жараён етарлича. Аммо, шундай бўлсада улар ҳамма жойда ҳам бир текис тарқалмаган. Бунга сабаб, қоракүрт пилласининг маълум қисмини чорва ҳайвонлари туёғи билан янчиб йўқ қиласди. Қоракүрт уясини қўйганда атрофини жуда кўп тўр ўргимчак или билан тортиб ташлайди. Бу тўрлар ҳайвонлар туёғига илашиб қолади ва бўзилади. Пардақанотсимонлилар оиласига мансуб йўл арилар, ўз тухумларини қоракүрт пилласи ичига қўяди. Тухумдан чиқкан личинкалар қоракүрт тухум ва нимфалари билан озиқланиб, улар сонини камайтиради. Бундан ташқари, икки доғли чирилдоқ ва куялар уларни табиий кушандалари ҳисобланади (Эргашев, 1990). Қоракүрт нимфаларининг ривожланиш босқичлари қуидаги тартибда кечади:

1. Қоракүртларнинг пилла қўйиши июль ойининг бошларида ёппасига бошланса, бу жараён август, сентябрь ойларигача давом этади. Бу жараён иқлимга қараб, ўзгариши мумкин.

2. Қоракүртлар пилласининг ўлчами йирик ёки майда бўлиши қоракүртнинг озиқланиш рационига ва ҳаво ҳароратига бевосита боғлик.

3. Тухумдан чиқкан қоракүртчалар биринчи ва иккинчи ёшлари бир қисмини пилла ичидан ўтказади.

4. Қоракүрт нимфаларининг ривожланиш босқичлари устида олиб борилган илмий-тадқиқот натижаларига кўра, самкаларида 9, самецларида 7 ёшдан жинсий вояга етади ва ҳар бир индивид алоҳида мустақил яшай бошлайди.

5. Самец қоракүртнинг қизил доғлари ҳаётининг охиригача сақланиб қолади. Самкада эса тўққизинчи ёшида қизил доғлари бутунлай йўқолиб кетади.

Қоракүртларнинг табиатдаги ўрни муҳим аҳамиятга эга. Улар кўпчилик зааркунанда ҳашаротларни еб, айрим турларнинг ҳаддан ташқари кўпайиб кетмаслигини бошқариб туради. Қоракүртлар озиқасини 30 турдан ортиқ ҳашаротлар ташкил этади.

Маълумки, ҳар бир жонзот ўз ўрни билан табиат оламининг муҳим занжирини ташкил қиласди. Ҳайвонларнинг у ёки бу турининг бутунлай йўқолиб кетиши табиатдаги номутаносибликни келтириб чиқаради.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Казаков И., Абубакирова М.Э., Азимов Ж.А., Мирходжаев У.З. “Ўзбекистоннинг заҳарли жониворлари, улар чаққанда даволаш ва заҳарланишини олдини олиш”. “Университет” нашриёти, Тошкент – 2007, 46 б.

- 2.Каримова Р.Р., Рахматуллаев А.Ю., Эргашев Н.Э. «Экология и кадастр паукообразных Узбекистана». 8-я Пущинская конференция школа молодых ученных – Биология наука XXI века. 20 – 24 мая 2002 г. Пущина. Т. 2, с 74-75.
- 3.Мариковский П.И. «Тарантул и каракурт». Фрунзе: изд. АН КиргССР, 1956. 281 с.
4. Рахматуллаев, А. Ю., Давронов, Б. О., Норкобилова, З. Б., & Омонова, Н. Р. (2021). Фауна Дождевых Червей В Узбекистана. BARQARORLIK VA YETAKCHI TADQIQOTLAR ONLAYN ILMIY JURNALI, 1(5), 310-314.
5. Ruyiddinov, A. X. (2022). QASHQADARYO VILOYATI ORNITOFAUNASINING EKOLOGIK XUSUSIYATLARI. O'ZBEKISTONDA FANLARARO INNOVATSIYALAR VA ILMIY TADQIQOTLAR JURNALI, 1(12), 503-506.
6. Ruyiddinov, A. X. (2022). QASHQADARYO VILOYATI ORNITOFAUNASINING EKOLOGIK XUSUSIYATLARI. O'ZBEKISTONDA FANLARARO INNOVATSIYALAR VA ILMIY TADQIQOTLAR JURNALI, 1(12), 503-506.
- 7.Ўзбекистон Республикаси “Қизил китоб” и II том, Тошкент, 2019 йил.
- 8.Эргашев Н.Э. «Экология ядовитых пауков Узбекистана». Ташкент, Фан, 1990., 189 с.
- 9.Эргашев Н.Э. “Ядовитые пауки (*Aranei*) Узбекистана (биология, экология и биомониторинг). Автореферат диссертация доктора биологической наука. Ташкент, 1994. 45 с.
- 10.2008 йилда Ўзбекино миллий агентлигининг *Esi eko-film* студияси ва ЎзР ФА Зоология институти ҳамкорлигида ишланган “Табиат қонуни бўйича яшовчи жонзотлар” туркумидан, “Қорақурт” номли илмий-оммабоп фильмларини олиш жараёнидаги маълумотлардан фойдаланилди.
- 11.Raxmatullayev A.Y., Davronov B.O. O'zbekistinning zaharli o'rgimchaksimonlari. O'quv-uslubiy qo'llanma.“Nasaf” nashriyoti.Qarshi, 2019.80 b.

BIRINCHI JAHON URUSHINING SHIMOLIY AFRIKA MAMLAKATLARI VA UNDAGI MUSTAMLAKACHILIKKA TA'SIRI

Turdiyev Ma'mur Rustamovich

Nizomiy nomidagi TDPUning tarix fakulteti 2-bosqich magistranti.

G.M.Taniyeva

ilmiy rahbar:.t.f.d;professor

Annotatsiya: Birinchi jahon urushi uning Afrikadagi mustamlakachiliga ta'siri siyosatshunoslik va xalqaro munosabatlar fanlarida yetarli darajada o'rganilmagan mavzudir. Ushbu maqolada orqali bu kamchiliklarni ma'lum darajada to'ldirishga harakat qilingan. Shu nuqtai nazardan, Afrikadagi urushlarning sodir bo'lishi va uning Afrikaga ta'siri muhim ahamiyatga egadir. Bundan tashqari, Buyuk Britaniya va Mustamlakachi davlatlar, ayniqsa Fransiya, Yevropadagi frontlarda olib borilgan janglarda inson va boshqa resurslardan foydalanish alohida e'tiborga olinishi kerak bo'lgan hisoblanadi. Shu nuqtai nazardan, murjlardan askarlar yollash amaliyoti, tub aholining bu siyosatga qarshiligi, afrikaliklarning janglarda qullardek foydalanishlari va ko'plab aholining halok bo'lishi e'tiborga molikdir. Mustamlakachilik fenomenida urush olib kelgan o'zgarishlar va milliy ozodlik kurashlariga qo'shgan hissasini ham alohida ta'kidlash lozim. Birinchi jahon urushi bu iqtisodiy, ijtimoiy va harbiy sohalarda Afrikaga sezilarli salbiy ta'sir ko'rsatdi. Germaniya koloniyalari jahon urushi g'oliblari orasida qo'l almashdi va mustamlakachilik barcha zo'ravonliklari bilan davom etdi. Biroq urush Afrikadagi milliy ozodlik harakatlarining ilk uchqunlarini ham uyg'otdi.

Kalit So'zlar: Mustamlakachilik, birinchi jahon urushi, ozodlik kurashlari, koloniyalari, milliy ozodlik, Yevropa frontlari, askar yollash amaliyoti.

KIRISH

Birinchi jahon urushining Afrikaga ta'siri va Afrikadagi mustamlakachilik davridagi yuz bergan siyosiy iqtisodiy jarayonlar nafaqat Shimoliy Afrika mamlakatlari tarixi uchun balki dunyo mamlakatlari tarixi va siyosatida ham yetarlicha ahamiyatga egadir. Birinchi jahon urushining ayniqsa Afrikadagi janglarning va ularning qit'aga ta'siri katta ahamiyatga ega. Bunga qo'chimcha, mustamlakachi davlatlar, xususan, Britaniya tomonidan Afrikaning inson va boshqa resurslaridan foydalanish va Frantsiya, Yevropa jabhalarida olib borilgan janglarda e'tibor qaratish kerak bo'lgan masala hisoblangan. Shu munosabat bilan mustamlakachilarning askar yollash amaliyoti bunga mahalliy xalqlarning qarshiligi, afrikaliklarni janglarda ish bilan ta'minlash va qurbanlar soni ham diqqatga sazovor bo'lgan.

ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA

Urushning milliy ozodlik kurashlariga qo'shgan hissasi va mustamlakachilik faktida yuzaga kelgan o'zgarishlarni ham alohida ta'kidlash lozim. Birinchi jahon urushi